

# «ЗАМОНА ҲАР КУНИ ЯНГИЛАШУР»

«Янги илм ва янги фикрлик ва фунуни замонияни дарбар қилган одамларни талаб қилур».

*Президентимиз шу йилнинг 20 май куни Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида барпо этилган Адиблар хиёбонига ташриф буюрганида, бу ерга ҳайкаллари ўрнатилган адиблар ижодини чуқур ўрганиш, уларнинг ибратли умр йўллари ҳақида китоблар ва фильмлар яратиш, янги асарлар ёзиш муҳимлигини таъкидлади.*

## ■ Мулоҳаза

Ушбу кўркем масканда муаллим, ношир, драматург, журналист, улуғ аллома ва жамоат арбоби Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг ҳам ҳайкали қад ростлаган.

Дарҳақиқат, ҳозирги кунда ушбу маърифатпарвар бобомиз меросини ўрганиш ва тарғиб қилишнинг аҳамияти катта. Зеро, бутун ҳаётини эл-юрт хизматиغا сарфлаган бу инсоннинг ижоди ва фаолияти ҳар биримиз учун гоят ибратлидир. У Туркистонда биринчилар қатори янгича таълим методига асосланган усули жаҳид мактабларни ташкил этган. Ўқувчилар учун дарслик ва ўқув қўлланмалари, инсонларнинг дунёқарашини бойитадиган, уларни замонавий фикрлашга, илм-маърифатга ундайдиган бадиий асарлар ёзган.

Давлат арбоби сифатида чор ҳукумати истибдодидан қоқоқ аҳволга тушиб қолган маҳаллий аҳолининг, жумладан, ўсиб келаётган ёшларнинг ижтимоий-сиёсий, маданий-маънавий турмушини, онг-савиясини кўтариш, тараққий эттириш мақсадида жуда катта ишларни олиб борди. Европа усулидаги театр труппалари тузди, ўзбек, тожик тилларида газета ва журналлар чиқарди.

Зотан, ўзи таъкидлаганидек, "Туркистонда ҳам маданият эшиги манзаласида бўлган макотиби ибтидоийя ила интибоҳ ва ислоҳот жарчиси бўлган миллий матбуот ғайратлу ёшларнинг ҳаракоти маориф парвароналари соясида вужудга келди".

Беҳбудий нафақат тараққийпарвар шахслар, балки фикрловчи ёшларни ҳам ўз орқасидан эргаштира олди. Улардан етук олимлар, саноат ва қишлоқ хўжалиги соҳаларининг замо-

ли лабораториялар билан таъминланганига, тиббиёт олийгоҳларида жарроҳлик хоналарининг борлигига ҳавас қилади, Туркистоннинг тараққийдан нақадар орқада қолганини афсуслар билан ёзади. Ўлканинг маориф тизимини ислоҳ этиш, ёшларни миллий мустақиллик манфаатларини ҳимоя қила оладиган шахслар этиб тарбиялаш иқтисодий ва сиёсий қарамликдан чиқишнинг асосий омили, деб билади.

Улуғ аллома матбуотга, ижтимоий-маданий ҳамда хайрия жамиятларига, театр гуруҳларига элни ғафлат уйқусидан уйғотувчи, ёшларни келажакка чорловчи буюк кучлар, маданият ва маърифатга чорловчи қудратли восита, ҳақиқат кўзгуси деб қараган. У ўз мақолаларида жамият ишларига халқнинг, асосан, ёшларнинг меҳрини уйғотиб, унинг тараққийига халақит берган иллатларни, зарарли урф-одатларни рўйирост очиб ташлади.

Асарларида болани яхши фазилатларга эга ёки ёмон феъл-атворли қилиб камолга етказиш кўп жиҳатдан оила тарбиясига боғлиқлигини таъкидлайди. Одобсиз ва ўқимаган болалар нафақат ота-она, балки жамият учун ҳам зарарли эканлигини юксак маҳорат билан кўрсатиб берди. "Илм ва тарбиясиз болаларни(нг) оқибати шулдир. Бизларни хонавайрон, бачагирён ва беватан ва банди қилгон тарбиясизлик ва жаҳолатдур: беватанлик, дарбадарлик, асорат, фақру зарурат ва хорликлар ҳаммаси илмсизлик ва бетарбияликнинг меваси ва натижасидур. Дунёга тараққий қилган халқ илм воситаси ила тараққий қилади. Асир ва забун бўлганларида беилмлиқдан. Модомики, биз-